

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК  
УЧУН МАБЛАҒ ЖАЛБ  
ЭТИШ ТАРТИБИ**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

**Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун маблағ жалб этиш тартиби.** Услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 64 б.

ISBN 978-9943-5620-5-9

**Тузувчилар:** Қ. Усманов  
А. Абдушерозов  
А. Алмарданов

Мазкур услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун мўлжалланган. Унда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда маблағ, шу жумладан, кредит маблағлари жалб этиш, турли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва ҳуқуқлар, ягона электрон платформа орқали кредит ажратиш тартиби ва бошқа шу каби мавзулар содда тилда баён этилган. Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© «Адолат» миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази, 2024 йил

# Мундарижа

Кириш.....	4
Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун маблағ жалб этиш тартиби бўйича қонунчилик ҳужжатлари .....	6
Оилавий тадбиркорлик фаолияти.....	8
Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари....	12
Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш .....	17
“Оғир” маҳаллаларга “етакчи” тадбиркорларни бириктириш орқали маблағ жалб этиш.....	32
Оилавий тадбиркорлик дастурларидан кейинги молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш.....	33
Қўлланмада фойдаланилган тушунчалар изоҳи .....	42
Иловалар .....	44
1-илова. «oilakredit» порталининг умумий кўриниши ва имтиёзли кредит учун ариза бериш.....	44
2-илова. “oilakredit.uz” портали орқали кредит олиш қандай амалга оширилади? .....	53
3-илова. Марказий банк ҳудудий бош бошқармалари телефон рақамлари .....	60

# КИРИШ

Бугунги бозор муносабатлари шароитида аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш устувор йўналишлар қаторида белгилаб қўйилган. Оилада ишбилармонлик муҳитини яратиш тобора ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун турли имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш, уларнинг яшаш фаровонлигини ошириш йўлида қўплаб лойиҳалар татбиқ қилинмоқда.

Оилавий тадбиркорлик иқтисодиётда салмоқли ўринга эга. У туфайли турмуш тўқислиги таъминланади, оила аъзоларининг ўзини ўзи иш билан банд қилиш ва салоҳиятини рўёбга чиқариши имкониятлари ортади, ЯИМ, шу жумладан, касаначилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида, бунёдкорлик ишлари, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ўсиш жадаллашади.

Бу жараёнда эса маҳаллаларнинг роли беқиёсдир. Айниқса, тадбиркорликни бошлаш арафасида турган ҳамюртларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, ажратилаётган кредитлардан мақсадли фойдаланишга ўргатиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Чунончи, сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик ва касаначилик соҳаларини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди, бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун мўлжалланган бўлиб, айниқса, эндигина оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганлар учун айтиш муддаодир. Унда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда маблағ, шу жумладан, кредит маблағлари жалб этиш, турли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва ҳуқуқлар, ягона электрон платформа орқали кредит ажратиш тартиби ва бошқа шу каби мавзулар содда тарзда ифодаланган.

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН МАБЛАҒ ЖАЛБ ЭТИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ўРҚ–327-сон Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ–3777-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–39-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–306-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 апрелдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-149-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-55-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 216-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 373-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 апрелдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратишни такомиллаштириш ҳамда аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 161-сон қарори

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

## ● ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъекти якка тартибдаги тадбиркорлар учун қонунчиликда белгиланган рўйхат бўйича фаолият турларини амалга ошириши мумкин. Бунда юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектлари беш нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан болалари ва невараларининг эрини (хотинини), ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг хотинини (эрини) ва болаларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектининг иштирокчиси сифатида жалб этишга ҳақли.

## ● ОИЛАВИЙ КОРХОНА

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун ихтиёрий асосда, иштирокчиларнинг улушли ёки умумий мол-мулк, шунингдек иштирокчилардан ҳар бирининг мол-мулки негизда ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона фақат юридик шахс сифатида фаолият кўрсатади.



Ушбу корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

## ● ОИЛАВИЙ КОРХОНА ИШТИРОКЧИЛАРИ

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Бундан ташқари, иштирокчиларнинг муомала лаёқати қонунга мувофиқ тартибда чекланган бўлмаслиги керак. Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона ишчиси бўлиши мумкин эмас.

Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўла олмайди.

## ● ОИЛАВИЙ КОРХОНА УСТАВ ФОНДИ

Оилавий корхонанинг устав фонди пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, жумладан пул билан баҳоланадиган мулкий ҳуқуқлар ёки ўзга шахсга ўтказиладиган бошқа ҳуқуқлар ҳисобидан шакллантирилади. Ягона уй (квартира) оилавий корхонанинг устав фондига киритилиши мумкин эмас. Оилавий корхона иштирокчилари оилавий корхонанинг устав фондига корхона таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ўзлари киритадиган мол-мулкни мустақил равишда белгилайди. Оилавий корхона устав фондининг энг кам миқдори лицензия талабларида белгиланиши мумкин.

## ● ОИЛАВИЙ КОРХОНАНИНГ МОЛ-МУЛКИ

Оилавий корхонанинг мол-мулки оилавий корхона иштирокчилари томонидан унинг устав фондига киритиладиган мол-мулқдан, қарз маблағлари ва кредитлар ҳисобига олинган мол-мулқдан, товарларни реализация қилишдан, ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан олинган ва оилавий корхонани ривожлантиришга йўналтирилган даромадлардан, шунингдек бу даромадлар ҳисобига олинган мол-мулқдан, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлардан таркиб топади.

## ● ОИЛАВИЙ КОРХОНАНИНГ КОММУНАЛ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШИ

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

## ● ОИЛАВИЙ КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт.

### Давлат органлари қонунчиликда белгиланган тартибда:



фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уларда товарлар ишлаб чиқаришни (ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни) ташкил этиш учун оилавий корхонага ижарага берилишини;

ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун оилавий корхонага ер ажратилишини;



оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини;

оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.




Оилавий корхона қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ

## ● ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига “Хар бир оила – тадбиркор” дастури, Хунармандчиликни ривожлантириш дастури, Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар киради.




Пул маблағлари кредит тарзида АТ “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” АТБтомонидан тўлиқ рақамлашган ҳолда фақат Ягона электрон платформа – oilakredit.uz платформаси орқали ажратилади.


## ● ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР


### Дастурлар доирасида кредитлар:


- ✓ оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган ўзини ўзи банд қилган шахсларга (асосий


иш жойига эга шахслар бундан мустасно) ҳамда тадбиркорлик субъектларига **6 ойдан 1 йилгача** бўлган **имтиёзли давр** билан **3 йилдан 4 йилгача муддатга**;

 чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун – **1 йилгача имтиёзли давр** билан **3 йилдан 4 йилгача муддатга**;

 боғдорчилик (кўчатчилик), узумчилик (ток сўриси) ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона қуриш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарини харид қилиш ҳамда уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар қуриш, артезиан қудуқларини қазиш учун – **3 йилгача имтиёзли давр** билан **7 йилгача муддатга**;

 оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтов лагерлари мажмуаси, автокемпинглар, экоуйлар мажмуаси, контейнер шаҳарчалар ва чодирли лагерлар ташкил этиш ва уларни таъмирлаш учун – **1 йилгача имтиёзли давр** билан **5 йилгача муддатга**;

 “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста-шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун – **3 йилдан 4 йилгача муддатга** ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун **18 ойгача муддатга** ажратилади.

 чарм-атторлик маҳсулотлари, чармдан тайёр кийимлар, оёқ кийимлари, спорт инвентарлари, шунингдек фурнитура, аксессуарлар ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш учун – **1 йилгача** имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга ажратилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида бизнесни йўлга қўйиш, ривожлантириш ёки аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш учун қарз олувчи кредит олиш бўйича аризани

мустақил равишда ёки ҳоқим ёрдамчисининг кўмаги билан Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (oilakredit.uz) орқали тақдим этади.



### **Кредит олиш усуллари:**

**ҳоқим ёрдамчисининг** кўмагида  
www.oilakredit.uz платформаси орқали

**мустақил равишда** www.oilakredit.uz  
платформаси орқали

## ● **ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАРНИ ОЛИШ БОСҚИЧЛАРИ**

**Дастурлар бўйича кредитлар тўлиқ рақамлашган ҳолда ягона электрон платформа орқали қуйидаги босқичда амалга оширилади:**

- ✔ кредит олиш учун аризалар барча босқичларда онлайн тарзда кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида Ягона электрон платформа орқали маълумот бериб борилади;
- ✔ кредит маблағларини ажратиш бўйича ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва масофадан имзоланади;
- ✔ кредит олиш учун аризалар масофадан қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки тегишли маҳаллага бириктирилган ҳоқим ёрдамчисининг кўмаги билан тақдим этилади;
- ✔ Ягона электрон платформа орқали аҳолига ўзини ўзи банд қилиш учун кредитлар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра, автоматлаштирилган ҳолда ажратилади;
- ✔ ажратилган кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш Ягона электрон платформада яратилган “маркетплейс” тизими ёрдамида амалга оширилади;
- ✔ ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлар асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар етказиб берувчи (иш бажарувчи)

ташкilotлар томонидан “маркетплейс” тизимида эркин жойлаштирилади;

- ✔ таъминотчилар томонидан кўрсатилган хизматлар фойдаланувчилар томонидан баҳоланади ва уларнинг рейтинги автоматик равишда шакллантирилади;
- ✔ таъминотчиларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариши юзасидан мониторинг туман (шаҳар) оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан амалга оширилади;
- ✔ кредитлар қарз олувчига у томонидан мустақил танланган таъминотчи билан тузилган шартнома асосида келишилган нарҳда маҳсулот етказиб берилганидан (иш бажарилганидан) ва қарз олувчи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра, қарз олувчини идентификациялаш орқали таъминотчига ўтказиб берилади;
- ✔ ҳоким ёрдамчилари ўзига бириктирилган маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб боради ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари ва тижорат банклари билан биргаликда тегишли чораларни кўради.

## ● ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАРНИ ОЛИШ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ БИЗНЕС РЕЖАЛАР

Халқ банки томонидан бизнес режа намуналари мазкур банкнинг сайтига жойлаштирилган.



## Қишлоқ хўжалиги йўналишида

**HASHAK MAYDALASH USKUNASI** BIZNES REJASI  
KREDIT SUMMASI: **8 775 000** SO'M

**KREDIT MABLAG'LARINING ISHLATILISHI**

Uskuna 1 dona	6 275 000
Besla pres 100 dona	1 500 000
Somon pres 100 dona	1 000 000

**DAROMAD FOYDA**

1 kunka	28 500	1 kunka	30 510
1 oylik	1 755 000	1 oylik	1 361 520
1 yillik	20 960 000	1 yillik	16 339 120

**KREDIT TO'LOVI**

1 oylik	100 950
1 yillik	1 472 167,1

www.ah.uz  
+99871 210 2012, 11-04  
ah@bank.uz

**SABZAVOTLARNI KESISH USKUNASI** BIZNES REJASI  
KREDIT SUMMASI: **7 275 000** SO'M

**KREDIT MABLAG'LARINING ISHLATILISHI**

Uskuna	6 275 000
Sabzavotlar 100 kg	1 000 000

**DAROMAD FOYDA**

1 kunka	48 500	1 kunka	45 700
1 oylik	1 455 000	1 oylik	1 128 787
1 yillik	17 460 000	1 yillik	13 543 452

**KREDIT TO'LOVI**

1 oylik	102 500
1 yillik	1 206 212

www.ah.uz  
+99871 210 2012, 11-04  
ah@bank.uz

## Хизмат кўрсатиш соҳасида

**GO'ZALLIK SALONI** BIZNES REJASI  
KREDIT SUMMASI: **18 900 000** SO'M

**KREDIT MABLAG'LARINING ISHLATILISHI**

Mebel jiwozlari 6 dona	6 500 000
Makyoj to'plami 4 to'plam	1 600 000
Suyumboshona uskunalari 2 to'plam	8 100 000
Tushiqchi xatijalar	2 700 000

**DAROMAD FOYDA**

1 kunka	128 000	1 kunka	137 700
1 oylik	3 760 000	1 oylik	2 932 520
1 yillik	45 160 000	1 yillik	35 190 240

**KREDIT TO'LOVI**

1 oylik	222 470
1 yillik	103 169 751

www.ah.uz  
+99871 210 2012, 11-04  
ah@bank.uz

**GUL DO'KONI** BIZNES REJASI  
KREDIT SUMMASI: **11 600 000** SO'M

**KREDIT MABLAG'LARINING ISHLATILISHI**

Gullar 20 to'plam	2 000 000
Duketlar uchun bezaklar 1 to'plam	2 000 000
Ish stolari 2 to'plam	5 000 000
Absob-uskunalar 1 to'plam	200 000
Tovaklar/tubrikonalar/suvsejlar	2 400 000

**DAROMAD FOYDA**

1 kunka	77 333	1 kunka	75 844
1 oylik	2 320 000	1 oylik	1 796 833
1 yillik	27 840 000	1 yillik	21 582 000

**KREDIT TO'LOVI**

1 oylik	133 470
1 yillik	6 241 751

www.ah.uz  
+99871 210 2012, 11-04  
ah@bank.uz

**ONLAYN DARS BERISH** BIZNES REJASI  
KREDIT SUMMASI: **15 500 000** SO'M

**KREDIT MABLAG'LARINING ISHLATILISHI**

Stoollar 1 dona	4 000 000
Ofis uchun kerakli jiwozlari 10 dona	3 500 000
Stol 3 dona	1 500 000
Wi-Fi router 1 dona	2 500 000
Konfiditsioner 1 dona	3 000 000

**DAROMAD FOYDA**

1 kunka	102 333	1 kunka	97 700
1 oylik	3 160 000	1 oylik	2 931 033
1 yillik	37 920 000	1 yillik	35 252 336

**KREDIT TO'LOVI**

1 oylik	192 000
1 yillik	8 340 274

www.ah.uz  
+99871 210 2012, 11-04  
ah@bank.uz

**UY VA OFISLARNI TOZALASH XIZMATI** BIZNES REJASI  
KREDIT SUMMASI: **21 900 000** SO'M

**KREDIT MABLAG'LARINING ISHLATILISHI**

Sanoat kar yuvish mashinasi 1 dona	3 500 000
Parli dasturlar 1 dona	5 000 000
Yoniboray uskunalar uchun jiwozlari 1 dona	5 000 000
Absob-uskunalar 1 to'plam	2 900 000
Hisobchi xatijalar	6 000 000

**DAROMAD FOYDA**

1 kunka	108 000	1 kunka	107 000
1 oylik	3 240 000	1 oylik	3 208 000
1 yillik	38 880 000	1 yillik	38 500 000

**KREDIT TO'LOVI**

1 oylik	322 000
1 yillik	11 784 000

www.ah.uz  
+99871 210 2012, 11-04  
ah@bank.uz

**Изох:** Халқ банкининг расмий сайтидан олинди

Кредит калкуляторидан Халқ банки расмий сайтининг ушбу QR-кодда берилган ҳаволаси орқали фойдаланишингиз мумкин.





# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ

## ● УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун маблағлар ташаббускорларнинг ўз маблағлари, имтиёзли асосдаги банк кредитлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.



Кредитлар АТ “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” АТБ томонидан тўлиқ рақамлашган ҳолда фақат Ягона электрон платформа – oilakredit.uz платформаси орқали ажратилади.

**Кредит беришдан мақсад** – тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш, ҳунармандчиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш.

### 📌 Эслатма!

*Дастурлар доирасида аризаларни oilakredit.uz платформаси орқали белгиланган тартибда кўриб чиқмасдан аҳолига товарларни марказлашган тартибда олиб келиб, олдиндан тарқатиш ва тавсияномалар бериш масаласида ҳоким ёрдамчилирига тазйиқ ўтказиш ман этилади.*

## **Кредитлар қуйидаги мақсадлар (йўналишлар) учун ажратилмайди:**

- илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;
- алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачиликни амалга ошириш (олибсотарлик);
- умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш;
- ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни (мебель, уяли телефон, маиший техника ва бошқалар) сотиб олиш;
- енгил автотранспорт воситалари (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этувчи кичик мототранспорт воситалари бундан мустасно), жумладан, йўловчи ташувчи автомобиллар сотиб олиш;
- маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан, хизмат автомобиллари таъминоти;
- бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш.

### **Маълумот учун**

*Хунармандчиликни ривожлантириш дастури, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида дала дўкони, уруғлик, минерал ўғит ва кўчат дўконлари ташкил қилиш ҳамда енгил конструкцияли бино ва иншоотлар қуриш, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишида қурилиши 25–30 % якунига етказилмаган бинолар қурилишини якунига етказиш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ биноларни таъмирлаш учун кредит берилиши мумкин.*

## ● Оилавий тадбиркорликнинг айрим йўналишларида кредит ажратишнинг ўзига хосликлари



Чорвачилик учун кредит ажратишда асосий эътибор сут йўналишидаги қорамол ҳамда совлиқ қўй ва эчки сотиб олишга қаратилади.

Чорвачилик учун кредитлар четдан келтирилган ёки маҳаллийлаштирилган (наслчилик хўжаликларида етиштирилган) ва ветеринария бўлими томонидан идентификация қилинган (биркалаш усули) чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун ўзини ўзи банд қилган шахсларга ажратилади.



Сотиладиган чорва молларининг ҳар бирида ветеринария паспорти бўлиши шарт.

### ▼ Маълумот учун

*Кредитлар томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган аҳолига иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экинлар экиш учун бериладиган кредитлар бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчисининг ушбу тадбирлар амалга оширилиши борасидаги каффиллиги асосида нақд пулда берилиши мумкин.*

Иссиқхона ташкил этиш учун кредит ажратишда устуворлик ҳудудлардаги ўзлаштирилмаган адир ерлардан фойдаланилаётган лойиҳаларга берилади.

Ички туризм йўналишида кредит, аввало, оилавий меҳмон уйлари, хостеллар ва экоуйлар мажмуасини ташкил этиш ва уларни таъмирлаш лойиҳаларига берилади.

## Маълумот учун

*Ички туризм йўналишида айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар 18 ой муддатгача ажратилади.*

### ● OILAKREDIT.UZ ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит олиш учун ариза oilakredit.uz платформаси орқали қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан тақдим этилади.

Ариза барча босқичларда oilakredit.uz платформасида онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқич тўғрисида платформа орқали (телеграм бот, СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) маълумот бериб борилади.

Аризага кредитдан самарали фойдаланиш бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар электрон кўринишда илова қилинади.

Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига 33 млн сўмгача кредит ажратилишида ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси асос бўлади.

## Эслатма

*Бунда кредитнинг қайтмаслик хатари тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан суғурталанади.*

Ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатдан ўтказиш бўйича видео қўлланма ҳаволаси (QR-код):



Бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда заруратга қараб гуруҳ кафиллиги (камида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 млн сўмгача револьвер асосида кредит ажратилади.

### **Маълумот учун**

*Револьвер кредит – очиқ кредит линияси бўлиб, белгиланган даврларда сўндирилган кредит суммасидан қайта фойдаланиш имкониятини берувчи кредит тури.*

Ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари асосида кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖнинг кафиллиги ва бошқа таъминот турлари инобатга олинган ҳолда, 300 млн сўмгача имтиёзли кредит ажратилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари кредит олиш учун oilakredit.uz платформаси орқали бизнес-режа ва гаров таъминоти тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишда тақдим этади.

### **Эслатма!**

*“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг кредит олиш аризалари алоҳида навбат асосида кўриб чиқилади.*

### **Маълумот учун**

*Oilakredit.uz платформасида рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш, ариза топшириш тартиби бўйича тайёрланган видеоқўлланмалар Youtube платформасига жойлаштирилган.*

## ● СКОРИНГ БАҲОЛАШ

Ариза қабул қилинган, Oilakredit.uz платформаси орқали 1 кун муддатда автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқилади.

### **Ариза платформа томонидан автоматик равишда рад этиладиган ҳолатлар:**

- қарз олувчининг Oilakredit.uz платформасида кўриб чиқиш жараёнида аризаси мавжуд бўлганда;
- 18 ёшга тўлмаган фуқаро номидан ариза берилганда;
- Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларга;
- муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд меҳнатга лаёқатсиз фуқаро номидан ариза берилганда;
- қарз олувчининг дастур доирасида тўлиқ қайтарилмаган кредити мавжуд бўлганда (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилмаган кредитлар бундан мустасно);
- қарз олувчининг банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда;
- аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилганда;
- салбий кредит тарихига эга бўлганда;



- қарз олувчининг солиқ органлари, мажбурий ижро бюроси органлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлганда.

Агар ариза скоринг натижасига кўра ижобий баҳоланса, кўриб чиқиш учун ҳоким ёрдамчисига келиб тушади.

## ● ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ТОМОНИДАН ТАВСИЯНОМА БЕРИШ

Ариза келиб тушгач, ҳоким ёрдамчиси жойига чиққан ҳолда, қарз олувчининг фаолият тури бўйича шарт-шароитлари, имконияти ҳамда етарли кўникмаси мавжудлигини ўрганади.

Ўрганиш натижаси бўйича фотоҳисобот ва қарз олувчининг хари-тадаги жойлашувини илова қилган ҳолда кредит ажратиш учун тавси-янома ёки кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулоса тузилади.

Тузилган ҳужжатлар **5 иш куни мобайнида Oilakredit.uz** платформасига жойлаштирилади.

### **Эслатма!**

*Ҳоким ёрдамчиси кредит ажратиш учун тавсиянома-ларни, аввало, кредитлардан олдин фойдаланмаган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бериши лозим.*

Ҳоким ёрдамчиси тавсиянома беришдан олдин “Ҳунарманд” уюшмаси, Бандликка кўмаклашиш ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўми-таси ҳамда соҳага масъул уюшма ва ташкилотларнинг хулосаларини олиши, улар орқали тегишли қарор қабул қилиши мумкин.

Бунинг учун амалга оширилаётган лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва мавсумийлигини инобатга олиш керак.

Ҳоким ёрдамчисининг Oilakredit.uz платформаси орқали юборган сўровига тегишли ташкилотлар томонидан 3 иш куни мобайнида жавоб берилиши лозим.

## ● ТАВСИЯНОМА БЕРИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ВА ЛОЙИҲАГА ЎЗГАРТИРИШ (ҚЎШИМЧА) КИРИТИШ

Тавсиянома бериш учун ҳоким ёрдамчиси томонидан ваколатли ташкилотларнинг хулосасини олиш зарур бўлганда, қарор қабул қилиш тегишли муддатга узайтирилади.

Ҳоким ёрдамчиси лойиҳани ўрганиш жараёнида уни амалга ошириш имкониятлари ва мавсумийлигидан келиб чиқиб, лойиҳага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бунинг учун қарз олувчи билан келишилиши зарур.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан кредитлар ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари тавсияномасига кўра ҳамда ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида ажратилади.

### 📌 Эслатма!

*Агар ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида кредит маҳаллаларда, шу жумладан, ташкил этилган микромарказларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси, ҳунармандчилик ҳамда аҳоли билан кооперация ва касаначиликни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳалар учун ажратиладиган бўлса, лойиҳаларда ташаббускор камидан 30 % улуш билан иштирок этиши талаб этилади.*

### Тавсиянома берилмайдиган ҳолатлар:

- ✓ лойиҳани амалга ошириш учун қарз олувчида шарт-шароит мавжуд бўлмаганда;
- ✓ йил мавсумийлигидан келиб чиқиб, мавсумга хос бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига;
- ✓ ариза берувчи номидан бошқа фуқаро кредит олишни мақсад қилганлиги аниқланганда;
- ✓ қонунчиликка зид бўлган фаолият амалга оширилиши аниқланганда;



- ✓ дастурлар доирасида аввал берилган кредитларнинг ўз вақтида сўндирилмаслиги натижасида ресурслар етарли бўлмаганда.

### **Эслатма!**

*Ҳоким ёрдамчиси томонидан кредит ажратишни рад этиши тўғрисидаги хулосада унинг сабаблари кўрсатилиши зарур.*

Ижобий тавсиянома олингач, ариза кўриб чиқиш учун Oilakredit.uz платформаси орқали тижорат банкига тақдим этилади.

Тижорат банкида етарли ресурс маблағлари бўлмаса, ресурс шакллантирилгунга қадар ҳоким ёрдамчиси аризаларни Oilakredit.uz платформасида электрон навбатга қўяди ва бу борада қарз олувчига маълумот бериб борилади.

### **Бу муҳим!**

*Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган кредит ташаббускорга лойиҳабай шакллантирилган буюртманомасида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш манбаларида назарда тутилган маблағлардан ташқари ва навбатсиз расмийлаштириб берилади.*

## ● ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТ АЖРАТИШ

Қарз олувчи гаров таъминоти билан боғлиқ маълумотларни Oilakredit.uz платформасига электрон шаклда киритади.

### 📌 Эслатма!

*Молиялаштириладиган лойиҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, банкнинг ички кредит сиёсати талабларини инобатга олган ҳолда, қарз олувчидан қўшимча ҳужжатлар сўраб олиниши мумкин.*



### Кредит ажратиш рад этиладиган ҳолатлар:



тақдим этилган ҳужжатларда номутаносиблик, хато ва камчилик аниқланганда;



зарур гаров таъминотлари тақдим этилмаганда.

### 1-қадам

Дастурлар доирасида кредит аризалари ва бошқа зарур ҳужжатлар (бизнес-режа ва гаров таъминоти тўғрисидаги маълумотлар) Ягона электрон платформа – oilakredit.uz платформаси орқали тақдим этилади.

**Муддати:** *Ҳоҳлаган вақтда.*

### 2-қадам

Oilakredit.uz платформаси орқали аризалар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

**Муддати:** *1 кун*

### 3-қадам

Кўриб чиқиш учун келиб тушган аризани ҳоким ёрдамчиси жойига чиққан ҳолда, қарз олувчининг фаолият тури бўйича шарт-шароитлари, имконияти ҳамда етарли кўникмаси мавжудлигини ўрганиб, ўрганиш натижаси бўйича фотоҳисобот ва қарз олувчининг харитадаги жойлашувини илова қилган ҳолда кредит ажратиш учун тавсиянома ёки кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосани oilakredit.uz платформасига жойлаштиради.

**Муддати:** *5 иш кунни мобайнида*

### 4-қадам

Қарз олувчи oilakredit.uz платформасига гаров таъминоти билан боғлиқ маълумотларни электрон шаклда тақдим этгач, тижорат банклари кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади, ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва имзоланади.

**Муддати:** *3 иш кундан кечиктирмай*

### 5-қадам

Қарз олувчи банк томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилган кредит шартномасини имзолайди.

**Муддати:** *10 кун мобайнида*

### 4-қадам

Тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг маркетплейс тизимида қарз олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилиб, электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши лозим. Маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома белгиланган муддатларда имзоланмаган тақдирда, Ягона электрон платформа орқали кредит шартномаси ва тавсиянома автоматик тарзда бекор қилинади.

**Муддати:** *15 иш кунни мобайнида.*

Кредит ажратиш рад этилганда бу тўғрисида ҳоким ёрдамчиси ва қарз олувчи Oilakredit.uz платформаси орқали хабардор қилинади.

Қарз олувчи **1 ой ичида** ҳужжатлардаги номутаносиблик, хато ва камчиликларни бартараф этиб, уларни тижорат банкига қайтадан тақдим этиши мумкин. Бу ҳолатда ҳужжатларни кўриб чиқиш дастлаб тақдим этилган ариза асосида давом эттирилади.

Кредит ажратиш тўғрисидаги қарор **3 иш кунидан** кеч бўлмаган муддатда қабул қилинади, ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва имзоланади.

Қарз олувчи банк томонидан имзоланган кредит шартномасини **10 кун мобайнида** имзоламаса, ариза рад этилади.

Кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарор Ягона электрон платформага жойлаштирилади.

Кредит ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, қарз олувчига кредит ҳисобидан сотиб олинadиган маҳсулот ва хизматларни электрон савдо майдонидан танлаш ҳақида SMS-хабарнома юборилади.

### Маълумот учун

*Кредит бўйича фоизлар қарз олувчи томонидан маҳсулот қабул қилиниб, кредит шартномасига асосан ҳақиқатда тўлаб берилган маблағ учун ҳисобланади.*

## ● ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КРЕДИТ АЖРАТИШГА ОИД БОШҚА МАСАЛАЛАР

Махсус ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, тегишли сертификатни олган шахсларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадлари учун **50 млн сўмгача** гаровсиз имтиёзли кредитлар ажратилади.

Аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжалиklarининг

улушини ошириш мақсадида узоқ муддатга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага олган деҳқон хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектларига **50 миллион сўмгача** гаровсиз кредит берилади.

Дастурлар доирасида илгари олинган кредитларидан самарали фойдаланиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган ва кредит тўловларини ўз вақтида тўлаган кичик тадбиркорлик субъектларига фаолиятини янада кенгайтириш учун мазкур кредитлардан такроран фойдаланишга рухсат этилади.

## ● КРЕДИТНИ БАНК КАРТАСИГА ЎТКАЗИШ

Ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра кредит суммасининг 10 млн сўмгача бўлган қисми (хунармандлар учун 20 млн сўмгача) банк карталарига ўтказиб берилади.

Бунинг учун кредит олиш юзасидан платформага ариза қолдириш вақтида кредитни қисман банк картасига ўтказиб бериш тўғрисида белги қўйилади.

Ваколатли тижорат банклари томонидан алоҳида банк картаси очилиб, аризада кўрсатилган маблағлар қарз олувчиларга ўтказиб берилади.

### **Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:**

- аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида томорқа ер эгаларига **3 млн сўмгача** микрокредитлар oilakredit.uz платформаси орқали ажратилади;
- бир қишлоқда истиқомат қиладиган бир нечта томорқа ер эгаси (жисмоний шахс)га бир дона вертикал суғориш қудуғини бурғилаш учун кредит ажратишга рухсат берилади;
- битта контурда жойлашган камида **3 та деҳқон хўжалигига** қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш мақсадида оилавий

- ✓ тадбиркорлик дастурлари доирасида битта катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуғини бурғилаш ва ишга тушириш учун тижорат банкларидан кредит олишга рухсат берилади.

Дастурлар доирасида жалб қилинган ҳар бир касаначи учун **2 млн сўмгача**, бироқ жами **300 млн сўмгача йиллик 18 % ставкада, 6 ойгача бўлган имтиёзли давр** билан **3 йилгача** муддатга револьвер кредитлар ажратилади. Мазкур кредитлар тадбиркорлик субъектларининг талабига биноан касаначиларнинг банк карталарига ўтказиб берилади.

### Маълумот учун

*Аҳолига ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришнинг бир нечта йўналишларида (паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона) фойдаланишга рухсат этилади.*

Ер майдони **10 сотихдан ортиқ** бўлган томорқа ер эгаларига **50 млн сўмгача** гаровсиз кредитлар ажратилади.

**10 сотихли ихчам иссиқхоналарни** барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун ташаббускорларга **100 млн сўмгача** гаровсиз кредитлар ажратилади.

Тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг **15 иш куни** мобайнида маркетплейс тизимида қарз олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилиб, электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши лозим.

Мазкур шартнома белгиланган муддатларда имзоланмаса, oilakredit.uz платформаси орқали кредит шартномаси ва тавсиянома автоматик тарзда бекор қилинади.

Маҳсулот етказиб берувчи томонидан қарз олувчига маркетплейс тизимида танлаган товар(лар) шартнома тузилган кундан бошлаб

**10 кун ичида** етказиб берилиши, хизматлар эса **20 кун ичида** кўрсатилиши лозим.

Тижорат банкларига тўлиқ имзоланган электрон ҳисоб-фактура ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан тасдиқланган, товарлар ҳақиқатдан етказиб берилганлиги ёки берилмаганлиги (хизматлар кўрсатилганлиги ёки кўрсатилмаганлиги) тўғрисида фотоҳисобот шаклидаги электрон далолатнома ушбу маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловни амалга оширишга асос бўлади.

Етказиб берилган маҳсулот (хизмат) учун тўлов банк томонидан **3 банк иш кунида** маҳсулот етказиб берувчига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳоким ёрдамчиси ва банк ходимлари жойига чиққан ҳолда тавсиянома асосида ажратилган кредитлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини мониторинг қилади ҳамда натижаси бўйича далолатнома расмийлаштириб, платформага юклаб боради.

### **Бу муҳим!**

*Тижорат банклари ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши мониторингини ўтказишда улардан бошқа мақсадда фойдаланилган ҳолатларни аниқлаган тақдирда, белгиланган тартибда кредитларни муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эга.*

# “ОҒИР” МАҲАЛЛАЛАРГА “ЕТАКЧИ” ТАДБИРКОРЛАРНИ БИРИКТИРИШ ОРҚАЛИ МАБЛАҒ ЖАЛБ ЭТИШ

Маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналиши бу етарли тадбиркорлик тажрибасига ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолияти маҳалла ихтисослашувига мос бўлган, хонадонларни кооперация асосида юқори даражада қамраб оладиган, “оғир” маҳаллаларда ўз бизнесини ривожлантириш дастурига эга бўлган “етакчи” тадбиркорларни танлаб олиб, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали ушбу маҳалладаги аҳолини оилавий тадбиркорликка жалб этиш ҳисобланади.

“Оғир” маҳаллага бириктирилган “етакчи” тадбиркор кооперация асосида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳалла ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ янги иш ўринлари яратиш бўйича ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш дастурини сектор бошқарув офиси билан биргаликда ишлаб чиқади ва тегишли сектор раҳбарига тақдим этади.

Сектор раҳбарлари “етакчи” тадбиркор дастурини кўриб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бошчилигида тузилган Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказида ижобий хулоса берилиши учун ҳимоя қилади.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан “етакчи” тадбиркор дастурини амалга ошириш ва унга имтиёзли кредит ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса берилади. Ушбу ижобий хулоса тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилади.

Тижорат банклари томонидан ажратилган ресурслар доирасида кредит берилади. Бу ҳақда ушбу ҳавола орқали танишасиз:

<https://lex.uz/uz/docs/5562556>



# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ДАСТУРЛАРИДАН КЕЙИНГИ МОЛИЯВИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки томонидан “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури амалга ошириб келинмоқда.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар “Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази” масъулияти чекланган жамиятларига <https://biznes-portal.uz/> порталида онлайн ариза юбориш орқали Дастурда иштирок этиш ҳуқуқига эга.



## Маълумот учун

***Кредит тарихи*** – бу фуқаронинг қаердан, қайси кредит ташкилотидан, қанча миқдорда қарз олгани ва кейинчалик уни қандай тўлагани тўғрисида батафсил маълумот, яъни бу фуқаронинг қарз олувчи сифатида молиявий интизомининг ифодасидир.

***Кредит тарихи қарздорнинг сўнги беш йил ичидаги мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиб, қуйидагиларни акс эттиради:***

- қарздор тўғрисида;
- жорий ва ёпилган кредитлар, товар кредитлари қиймати, расмийлаштирилган санаси, муддати ва қолдиғи тўғрисида;
- муддати ўтган қарздорликлар тўғрисида;

- жорий ва ёпилган кредитга қўйилган гаров мулки ва мулк эгаси тўғрисида;
- суд жараёнидаги кредитлар тўғрисида;
- кредит тарихи шаклланган сана ва уни тайёрлаган ташкилот тўғрисида.

Ариза юбориш бўйича видео қўлланма билан ушбу ҳавола орқали танишишингиз мумкин.



### **Дастурга мувофиқ:**

- марказлар томонидан танлаб олинган ташаббускорлар бизнес кўникмаларини шакллантириш йўналишида қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларида ўқитилади;
- амалий ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, сертификат олган ташаббускорлар Дастур доирасидаги қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланади.

**Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий ва консултьатив қўллаб-қувватлаш чоралари қуйидагилардан иборат:**

#### ***а) молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишида:***

- тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун **2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга** ҳамда айланма маблағлар учун револьвер тарзда **3 йилгача муддатга** йиллик Марказий банк асосий ставкасидан **4 фоизлик** пункт юқори ставкада **1,5 миллиард сўмгача** кредитлар ажратиш ва (ёки) асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш. Бунда, **100 миллион сўмгача** кредитларни гаровсиз, **150 миллион сўмгача** кредитларни гаров талаби **50 фоизгача** пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади;

- қиймати **1,5 миллиард сўмгача** бўлган асосий воситаларни **7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш** шарти билан қарзга бериш;
- **24 ойдан** ортиқ фаолият юритаётган ва охириги 12 ойда айланма маблағлари миқдори **1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача** бўлган ҳамда камида **10 нафар кишини** доимий иш билан таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектларининг янги лойиҳаларига ва мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид лойиҳаларига бўш турган давлат мулки объектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар ва бошқа кўринишдаги моддий активлар билан **20 фоизгача, бироқ 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган** қийматда улушдор бўлиб кириш;
- инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларига давлат илмий дастурлари доирасида **2 миллиард сўмгача** грант маблағларини ажратиш;

**б) консультатив қўллаб-қувватлаш йўналишида:**

- лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалалари, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш;
- давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш.

**«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурида иштирок  
этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини шафофлик тамойиллари  
асосида танлаб олиш тартиб-таомиллари  
СХЕМАСИ**

Ариза бериш ва скоринг тизими	Ҳоқим ёрдамчилари	Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳлари	Марказлар	Тижорат банклари, Жамғарма ва Марказлар	Марказлар ва тижорат банклари
<p>Ташаббускор томонидан ариза берилади, тижорат банклари кўмағида скоринг баҳолаш ўтказилади.</p>	<p>Тижорат банклари кўмағида скоринг баҳолашдан ўтган ташаббускорлар билан бевосита жойида учрашиб, тасдиқланган саволнома асосида белгиланган мезонларга мувофиқлиги ўрганилади ва ташаббускорларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади.</p>	<p>Дастлабки рўйхатга киритилган ташаббускорларнинг тадбиркорлик кўникмаси ва бизнес-режаларининг яшовчанлигини баҳолаш асосида истиқболли лойиҳалар танлаб олинади ва улар фаолияти даври, пул айланмаси ва ишчилар сонига қараб тоифаларга ажратилади.</p>	<p>Ўқитиш ташкил этилади ва имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга сертификат берилади.</p>	<p>Танлаб олинган лойиҳалар қуйидагича молиявий ва консультатив қўллаб-қувватланади: а) кредитлар ажратиш; б) лизинг хизматлари кўрсатиш; в) бўйлиб-бўйлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш; г) улушдор бўлиб иштирок этиш; д) грант маблағлари тақдим этиш; е) консультация хизматларини кўрсатиш.</p>	<p>Тегишли бизнес режалари амалга оширилишининг мониторинги юритилади ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришилгандан сўнг киритилган улушни белгиланган тартибда сотиш чоралари кўрилади.</p>

**«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури иштирокчиларини молиявий ва консултантив қўллаб-қувватлаш инструментлари ва улардан фойдаланиш шартлари**

**I. Молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари**

<b>1. Кредитлар ажратиш:</b>	
<b>а) 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар</b>	
Иштирокчилар:	камида бир йил мобайнида фаолият юритиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, хунармандлар, касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари;  оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	лойиҳани* амалга ошириш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача кредит ажратилади Бунда, лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, кредитнинг 50 фоизгача қисми айланма маблағларни тўлдириш учун очиқ кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарти билан 24 ойгача ажратилиши мумкин
<b>б) 150 миллион сўмгача гаров талаби пасайтирилган револьвер кредитлар</b>	
Иштирокчилар:	кичик тадбиркорлик субъектлари
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	очиқ кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарти билан 36 ойгача ажратилади
<b>б<sup>1</sup>) 500 миллион сўмгача кредитлар</b>	
Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари: охириги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 200 млн сўмдан зиёд бўлган;  камида тўрт нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада

Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	лойиҳани* амалга ошириш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача ажратилади. Бунда, лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, кредитнинг 50 фоизгача қисми айланма маблағларни тўлдириш учун очиқ кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарти билан 24 ойгача ажратилиши мумкин
<b>в) 1 миллиард сўмгача кредитлар</b>	
Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари: охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 500 млн сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида беш нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	лойиҳани* амалга ошириш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача ажратилади
<b>г) 1,5 миллиард сўмгача кредитлар</b>	
Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари: 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
<b>г') 1,5 миллиард сўмгача экспортёрларга револьвер кредитлар</b>	
Иштирокчилар:	қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи қуйидаги тадбиркорлик субъектлари: охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 500 млн сўмдан зиёд бўлган; камида тўрт нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Кредит ажратиш мақсади ва муддатлари:	айланма маблағларни тўлдириш учун очиқ кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарида 6 ой имтиёзли давр билан 36 ойгача муддатга ажратилади.
<b>2. 1,5 миллиард сўмгача лизинг хизматлари кўрсатиш:</b>	

Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари: 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Фоиз ставкаси:	Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада
Мақсади ва муддатлари:	асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар ва махсус техникаларни сотиб олиш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача амалга оширилади
<b>3. 1,5 миллиард сўмгача фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан қарзга асосий восита олиб бериш:</b>	
Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари: 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Мақсади ва муддатлари:	асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар ва махсус техникаларни сотиб олиш учун 24 ойгача имтиёзли давр билан 84 ойгача амалга оширилади.
<b>4. Лойиҳаларда 1 миллиард сўмгача миқдорда улушдор бўлиб иштирок этиш:</b>	
Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари: 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; охирги 12 ойда айланма маблағлари миқдори 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган; камида ўн нафар кишини доимий иш билан таъминлаган
Қўллаб-қувватлаш тури:	бўш турган давлат мулки объектлари ва ер майдонлари, асбоб-ускуналар, бино-иншоотлар ва бошқа кўринишдаги моддий активлар билан 20 фоизгача, бироқ 1 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган қийматда улушдор бўлиб иштирок этиш
Улушдан даромад:	кичик тадбиркорлик субъекти фаолияти натижасидаги соф фойдадан дивидендлар; улушни бозор баҳосида баҳолаб сотишда кўриладиган фойда

Улушдан фойдаланиш муддатлари:	марказлар томонидан лойиҳага киритилган улушни 7 йил давомида бозор қийматида лойиҳа ташаббускорига ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилиш.
<b>5. 2 миллиард сўмгача грант маблағлари тақдим этиш:</b>	
Иштирокчилар:	тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бўлган ва лойиҳалари белгиланган тартибда истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган кичик тадбиркорлик субъектлари
Қўллаб-қувватлаш тури:	<p>кичик тадбиркорлик субъектларида инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, юқори технологик стартап лойиҳаларга давлат илмий дастурлари доирасида 2 млрд сўмгача грант маблағлар ажратиб борилади. Бунда:</p> <p>марказларда ташкил этиладиган Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳлари томонидан ушбу йўналишдаги лойиҳалар танлаб олинади ва Инновацион ривожланиш агентлигига маъқуллаш учун тақдим этилади;</p> <p>Инновацион ривожланиш агентлиги 15 иш кунида белгиланган тартибда кўриб чиқиб, маъқулланган лойиҳаларни Марказларга тақдим этади;</p> <p>Марказлар маъқулланган лойиҳалар ташаббускорларини махсус дастурлар асосида ўқитади ва сертификат олган ташаббускорларни грант маблағлари ажратиш учун Инновацион ривожланиш агентлигига йўналтиради;</p> <p>Инновацион ривожланиш агентлиги мазкур лойиҳаларни белгиланган тартибда молиялаштиради;</p> <p>Инновацион ривожланиш агентлиги давлат илмий дастурлари доирасида молиялаштирилган тижоратлаштириш ва стартап лойиҳалари рўйхатини амалиётга жорий қилиш ва кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида марказларга тақдим этиб боради.</p>

**Изоҳ:** \* лойиҳа – саноат, хизматлар, савдо ва умумий овқатланиш, туризм, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, ҳунармандчилик, касаначилик, заргарлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш, шунингдек, замонавий савдо марказлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда ишлаб чиқариш бинолари (ангар ва цехлар)ни қуриш йўналишларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва кенгайтириш (модернизация қилиш).



## II. Консултация хизматларини кўрсатиш

Қуйидаги масалалар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш:

лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш;

давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, мавжуд бошқа енгилликлар ва имкониятлар.

## Қўлланмада фойдаланилган тушунчалар изоҳи

**Ҳудудий марказлар** – вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик, иқтисодиёт ва молия, инвестициялар, саноат ва савдо, солиқ, оила ва хотин-қизлар, статистика бўлинмалари, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлинмаларининг раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган ҳудудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари бўлиб, уларга тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлик қилади.

**туман (шаҳар) марказлари** – туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик, иқтисодиёт ва молия, инвестициялар, саноат ва савдо, солиқ, оила ва хотин-қизлар, статистика бўлинмалари, Савдо-саноат палатаси туман бўлими, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлинмаларининг раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари бўлиб, уларга туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлик қилади.

**ҳоким ёрдамчиси** – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс;

**қарз олувчи** – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ва ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳунармандлар;

**тавсиянома** – ҳоким ёрдамчиси томонидан ўзига бириктирилган маҳаллада қарз олувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, дастурлар доирасида кредитлар ҳисобидан ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган аҳоли ва

тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари, шароитлари ҳамда етарли билим ва тажрибасини пухта ўрганиш орқали кредит ажратиш тўғрисидаги хулоса асосида бериладиган тавсия;

**Ягона электрон платформа** – дастурлар доирасидаги кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратилишини таъминлайдиган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платфoрмаси (oilakredit.uz);


**маҳсулот етказиб берувчи** – маркетплейс тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, қарз олувчи томонидан танланган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари;

**маркетплейс тизими** – Ягона электрон платформада ажратиладиган кредитлар ҳисобидан товарларни (ишларни, хизматларни) бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш хизматларини таклиф қилиш ҳамда қарз олувчилар томонидан маҳсулот етказиб берувчиларни мустақил танлаш имкониятини берадиган электрон савдо майдони;

**“етақчи” тадбиркор** – етарли тадбиркорлик тажрибаси ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолиятини маҳалланинг иxtисослашувига мос равишда ташкил этадиган, хонадон аъзоларини кооперация асосида бирлаштириб, маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) ёки хизмат кўрсатишга буюртма бериш, бириктирилган аҳолига кўникмаларни ўргатиш ва улардан тайёр маҳсулотни сотиб олишни ўз зиммасига оладиган ташаббускор.

**сектор бошқарув офиси** – секторлар ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан ташкил этилган республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бошқарув офиси.

## 1. «Oilakredit» порталнинг умумий кўриниши ва имтиёзли кредит учун ариза бериш



“Oilakredit” – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш портали.

“Oilakredit” – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш порталига кириш учун интернет браузерининг излаш қаторига <https://oilakredit.uz/> манзили киритилади ва “Enter” тугмаси босилади.

Порталнинг бош менюси ёрдамида ундаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Ариза бериш тизимига ўтиш порталнинг қўйи қисмида жойлашган “Ариза тўлдириш” тугмасини босиш орқали амалга оширилади. Ушбу амал бажарилганда “Ариза берувчининг шахсий маълумотларини киритиш” ойнаси очилади.

### 1.1. Юридик шахс учун.

#### 1.1.1. Ариза берувчи ҳақида умумий маълумотларни киритиш

1. Ариза берувчи тури танланади – “Юридик шахс”;
2. Ариза берувчининг СТИР рақами киритилади;  
СТИР – Солиқ тўловчининг идентификация рақами 9 рақамдан иборат бўлади.
3. Гувоҳнома санаси киритилади.

4. Юридик шахс (ташкилотнинг) номи ва унинг манзилини автоматик тарзда тизимнинг ўзи олади;

5. Қонун доирасида шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилади;

**Диққат!** Барча маълумотлар киритилгач тизим билан ишлашни давом эттириш учун шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш ва ишлов беришга рухсат берилиши шарт. Агар шахсга доир маълумотларга ишлов беришга рухсат берилмаса, тизимнинг кейинги бўлимларига ўтиб бўлмайди.

6. Барча маълумотлар майдонлари тўлдирилгач **“Давом эттириш”** тугмачасини босиб кейинги, **“Яшаш манзили”** бўлимига ўтилади.

*Аризачи маълумотларини киритиш ойнаси. Юридик шахс учун.*

Майдон номи	Маълумотларни киритиш
Жисмоний шахс/Юридик шахс	Танланади
СТИР	Қўлда ёзиб киритилади
Гувоҳнома санаси	Қўлда ёзиб ёки календардан киритилади
Юридик шахс номи	Автоматик тарзда шакллантирилади
Юридик шахс манзили	Автоматик тарзда шакллантирилади

## 1.1.2. Аризачининг яшаш манзили ҳақидаги маълумотларни киритиш

Ушбу бўлимда ариза берувчининг юридик манзилига доир маълумотлар киритилади.

The screenshot shows a web form with a progress bar at the top containing five steps: "Аризачи", "Манзил", "Харажатлар", "Даромадлар", and "Натижа". The "Манзил" step is currently active. The form contains the following fields:

- ҳудуд:** Dropdown menu with "Тошкент ш." selected.
- туман/шаҳар:** Dropdown menu with "Юнусобод т." selected.
- маҳалла:** Dropdown menu with "Албаробод" selected.
- кўчак/кўп қаватли уй:** Dropdown menu with "3 мс. 2 уй" selected.
- хонадон:** Input field with "107" entered.
- телефон рақам:** Input field with "+998 ( ) 4 54" entered.
- тулиқ манзили:** Text area containing "Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Албаробод маҳалласи, 3 мс. 2 уй, 107-хонадон".

At the bottom of the form, there are four buttons: "◀ Ордага", "👤 Жисмоний шахс бўриномаси", "👤 Юридик шахс бўриномаси", and "➔ Давом эттириш".

*Яшаш манзили ҳақидаги маълумотларни киритиш.*

1. Манзил – ҳудуд, туман/шаҳар, маҳалла, кўча, уй – берилган рўйхатдан танланади. Рўйхат сичқонча (клавиатура) ёрдамида майдончининг ўнг томонидаги кўрсаткич (стрелка) белгисига босиш орқали очилади.

2. Барча маълумотлар киритилгач ва текширилгач телефон рақами коди билан киритилади ва "Давом эттириш" тугмаси босилади. Телефон рақамига Аризачига шахсий маълумотларни тасдиқлаш учун тизим томонидан код жўнатилади. "Тасдиқлаш коди" майдонига телефонга келган кодни киритиб, "Давом эттириш" тугмачасини босиш орқали кейинги босқичга ўтилади.

## 1.1.3. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва кутиладиган харажатларни киритиш

1. Рўйхатдан молиялаштирувчи банк танланади;
2. Рўйхатдан молиялаштирувчи банк филиали танланади;
3. Рўйхатдан фаолият йўналиши танланади;
4. Рўйхатдан фаолият мақсади танланади;
5. Рўйхатдан фаолият дастури танланади;
6. Максимал кредит ҳажми автоматик тарзда белгиланади;
7. Қайтариш муддати автоматик тарзда белгиланади;

8. Имтиёз даври рўйхатдан танланади ёки автоматик белгиланади (Бу фаолият йўналишига боғлиқ).

**Кредит маблағи ҳисобидан қилинадиган харажатлар қуйидаги тартибда киритилади:**

1. Харажат тури, ўлчов бирлиги рўйхатдан танланади.
2. Миқдори, баҳоси стрелкалар ёрдамида ёки қўлда киритилади
3. Суммаси автоматик тарзда ҳисобланади.

4. Маълумотларни ўчириш **“Ўчириш”** тугмаси ёрдамида амалга оширилади. Маълумотлар текшириб кўрилиб **“Давом эттириш”** тугмаси босилади.

*Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва кутиладиган харажатларни киритиш ойнаси*

Майдон номи	Маълумотларни киритиш ва таҳрирлаш усули
Харажат тури	Рўйхатдан танланади
Ўлчов бирлиги	Рўйхатдан танланади/қўлда ёзиб киритилиши мумкин
Миқдори	Рўйхатдан танланади/қўлда ёзиб киритилиши мумкин
Баҳоси	Рўйхатдан танланади/қўлда ёзиб киритилиши мумкин
Суммаси	Автоматик тарзда ҳисобланади

### 1.1.4. Фаолият давомида кутиладиган даромадлар

Фаолият давомида кутиладиган даромадлар									
№	Даромад тури	ўлчов бирлиги	1-12 ойларда		13-24 ойларда		25-36 ойларда		ўчириш
			миқдори	суммаси, сўм	миқдори	суммаси, сўм	миқдори	суммаси, сўм	
1	Енғоқ (кўчат)	дона	100	250000	100	250000	100	250000	
2	Танлаш...	килогра...							
жами			100	250 000	100	250 000	100	0	

Фаолият давомида кутиладиган даромадларни киритиш ойнаси.

### 1.1.5. Фаолият давомида кутиладиган экспортлар

1. Фаолият давомида экспорт қилинадиган давлат, ўлчов бирлиги рўйхатдан танланади. Давлат номини қидирув функциясидан фойдаланиб киритиш мумкин. Маълумот киритиш майдонида очилган рўйхатдаги бўш қаторга керакли давлат номини қўлда ёзиб киритилса, шу номга мос давлатлар номи очилади.

2. Кутиладиган даромад миқдори ва суммасини (долларларда) рўйхатдан танлаб ёки қўлда киритилади (кейинги молиявий кўрсаткичлар бўлими келтириладиган маълумотларда доллар миқдори автоматик тарзда сўмга айлантириб берилади). Кутиладиган экспорт миқдори кўрсаткичлари йиллар бўйича (жадвалда ойлар бўйича тақсимланган – 1 – 12 ой биринчи йил, 13 – 24 ой иккинчи йил ва ҳ.к.) киритилади. Киритилган маълумотларни ўчириш учун “Ўчириш” устунидаги корзинка белгисидан фойдаланилади. Агар киритиладиган маълумот рўйхатда бўлмаса, “Бошқа” варианты танланиб маълумот қўлда ёзиб киритилади.

Фаолият давомида кутиладиган экспортлар:										
№	Давлат	Даромад тури	ўлчов бирлиги	1-12 ойларда		13-24 ойларда		25-36 ойларда		ўчириш
				миқдори	суммаси, доллар	миқдори	суммаси, доллар	миқдори	суммаси, доллар	
1	Австрия	Енғоқ (оддий)	килогра...					5000	5000	
2	Танлаш...	Танлаш...	килогра...							
жами				0	0	0	0	5000	5 000	

Фаолият давомида кутиладиган экспортларни киритиш ойнаси.



## 1.1.6. Яратиладиган иш ўринлари

Яратиладиган янги иш ўринлари:								
№	Лавозим тури	1-12 ойларда, сўм		13-24 ойларда, сўм		25-36 ойда, сўм		ўчириш
		сони	ойлик иш ҳақи	сони	ойлик иш ҳақи	сони	ойлик иш ҳақи	
1	Ёрдамчи ишчи	3	3000000	2	3000000	2	3000000	
2								
	<b>Рўйхатдан танланади</b> <i>жами</i>	3	3 000 000	2	3 000 000	2	3 000 000	

*Яратиладиган иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни киритиш ойнаси.*

Маълумот киритиш тартиби олдинги бўлимлардагидек.

1. Яратиладиган лавозим тури рўйхатдан танланади.

2. Яратиладиган лавозимлар сони, ойлик иш ҳақи миқдорини рўйхатдан танлаш ёки қўлда киритиш мумкин.

3. Яратиладиган янги иш ўринлари ҳам йиллар (жадвалда йиллар ойлар сони билан кўрсатилган) бўйича киритилади. Кейинги йилларга фақат янгидан яратиладиган иш ўринлари ва уларнинг ойлик иш ҳақидаги маълумотларгина киритилади.

4. Киритилган маълумотларни ўчириш учун “Ўчириш” устундаги корзинка белгисидан фойдаланилади.

Агар киритиладиган маълумот рўйхатда бўлмаса, “Бошқа” варианты танланиб маълумот қўлда киритилади.

## 1.1.7. Гаров таъминоти

Гаров таъминоти													
3-шахс кафиллиги		суғурта полиси		автотранспорт		кўчмас мулк		ТФҚҚД жамғармаси кафиллиги		бошқа таъминот тури		жами	
сони	суммаси, сўм	сони	суммаси, сўм	сони	суммаси, сўм	сони	суммаси, сўм	сони	суммаси, сўм	сони	суммаси, сўм	сони	суммаси, сўм
1	5000000			1	12000000							2	17 000 000

*Гаров таъминоти ҳақидаги маълумотларни киритиш*

Гаров таъминотида “3-шахс кафиллиги”, “Суғурта полиси”, “Автотранспорт”, “Кўчмас мулк”, “ТФҚҚД жамғармаси кафиллиги”, “Бошқа таъминот тури”нинг сони ва суммасини счетчик ёрдамида (стрелкалар) ёки қўлда киритилади. Уларнинг умумий сони ва суммаси автоматик тарзда ҳисобланади.

**Диққат!** Ариза берувчи гаров таъминотига таклиф қилаётганлари ҳақидагина маълумот киритади. Бу жадвалнинг барча устунларини тўлдирмай ёки “номигагина” тўлдириб кетиш мумкин эмас. Аризанинг ижобий ҳал қилиниши учун имкон қадар тўлиқ ва батафсил маълумот бериш лозим. Ариза берувчи берган маълумотларни тизим ҳоким ёрдамчисига ва сектор раҳбарига йўналтиради. Улар маълумотларни таҳлил қилади, шу жумладан ҳоким ёрдамчиси маълумотларни жойига бориб ўрганади. Зарурат бўлганда маълумотларни тўлдиришни, ўзгартиришни сўрашлари мумкин. Шундан кейингина имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида хулоса ва тавсия шакллантирилади.

### 1.1.8. Молиявий кўрсаткичлар

Молиявий кўрсаткичларни тизим аввалги бўлимларда киритилган маълумотлар асосида автоматик тарзда, йиллар бўйича шакллантиради.

“Бошқа харажатлар” бундан истисно. Агар юқоридаги бўлимларда бирор турдаги харажатлар киритиш кўзда тутилмагани сабабли киритилмай қолган бўлса, унинг параметрлари жадвалга қўлда ёзиб киритилади.

Барча маълумотлар шакллантирилгач “Маълумотларни сақлаш” тугмаси босилганда кейинги аризани тасдиқлаш жараёнига ўтилади.

Молиявий кўрсаткичлар				
тури	1-12 ойларда, сўм	13-24 ойларда, сўм	25-36 ойларда, сўм	жами
кутилдиган даромад	250 000	250 000	54 510 200	55 010 200
кредитни қайтаришга	39 908	58 334	51 633	149 876
иш ҳақиға харажат	3 000 000	3 000 000	3 000 000	9000000
бошқа харажат				0
соф фойда	-2 789 908	-2 808 334	51 458 566	45 860 323
рентабеллик, %	-1115.96	-1123.33	94.40	83.37

лойиҳани амалга ошириш бўйича қўшимча маълумотлар:

қўшимча файллар :

+ Файл


← ординга қайтиш | маълумотларни сақлаш | Йўриқнома

### Молиявий кўрсаткичлар

### 1.1.9. Аризани тасдиқлаш


Барча маълумотлар шакллантирилгач “Маълумотларни сақлаш” тугмаси босилганда тайёрланган ариза матни ва у билан боғлиқ барча ҳисоб-китоблар очилади (маълумотларнинг давоми кейинги бетларда берилади).

Аризани ушбу ойнанинг юқори ўнг томонида жойлашган тугмалар ёрдамида \*.pdf шаклида юклаб олиш ёки чоп қилиш, тўлиқ экран режимида кўриш мумкин.



Шакллантирилган ариза.

Аризани тасдиқлашни бекор қилиш.



Ариза тайёрлашнинг якуний кўриниши.

**Диққат!** Тасдиқланган ариза юқоридаги кўринишга эга бўлади. Унда ариза рақами (номери) ва аризачи тасдиқлаган сана кўрсатилган. Аризанинг ҳолатини кузатиб бориш учун ушбу маълумотларни эслаб қолиш зарур. Аризанинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар: аризанинг қайд рақами ва юборилган санаси аризачи кўрсатган телефон рақамига ҳам SMS хабар кўринишида юборилади.


Шу билан аризани шакллантириш жараёни якунланади.

# “OILAKREDIT.UZ” ПОРТАЛИ ОРҚАЛИ КРЕДИТ ОЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?


2-илова

## 1. “Oilakredit” порталининг умумий кўриниши ва имтиёзли кредит учун ариза бериш.


“Oilakredit”- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш порталига кириш учун интернет браузерининг излаш қаторига <https://oilakredit.uz/> манзили киритилади ва “Enter” тугмаси босилади.



“Ариза юбориш” тугмасини босишингиз билан кредит олиш истагини билдирган аҳоли учун дастлабки шарт : Яъни “Ўз-ўзини банд қилган шахс” сифатида рўйхатдан ўтиш мажбурияти қўйилади.




Маъмур ҳаволага босилса: <https://my.gov.uz/> орқали ўз-ўзини банд қилиб, меҳнат стажини юргизиш учун маълумотлар берилади.




## 2. Жисмоний шахс учун ариза тўлдириш

Майдон номи	Маълумотларни киритиш ва таҳрирлаш усули
Ариза берувчи тури	Жисмоний/ЯТТ танланади
паспорт ёки ID рақам	Паспорт ёки ID рақам серияси ва рақами қўлда киритилади
туғилган санаси	Қўлда киритилади



Мабодо фуқаро аввал бу кредитдан олиб фойдаланган бўлса, дастур унинг маълумотларини излаб топиб ариза бериш имкониятини чеклайди. Чунки аввал кредит олмаган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қамраб олиш, яъни бир шахсга қайта-қайта эмас, аксинча ҳар бир фуқарога оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятини бериш ва шу орқали ҳар бир хонадонни қўшимча даромадли қилиб, хонадон шароитини яхшилаш дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади.




Агар фуқаро бу кредит туридан аввал фойдаланмаган бўлса, паспорт маълумотлари киритилганда исм-фамилияси автоматик ҳолатда экранда пайдо бўлади. Шундан сўнг қонун доирасида фуқаронинг маълумотларини текшириш учун: “Қонун талаблари доирасида маълумотларимдан фойдаланишга розилигимни билдираман” тугмасини фаоллаштирилади ва “Давом этиш” тугмаси босилади.

**Диққат!** Агар бу тугма босилмаса, аризачи кейинги босқичга ўта олмайди!

### 3. Аризачининг яшаш манзили ҳақидаги маълумотларни киритиш

Аризачининг яшаш манзилини киритиш бўлимига ўтилганда унинг туғилган вилояти ва тумани автоматик тарзда келади. Мабодо унинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда манзилини ўзгартириш учун танлаш имконияти берилади.



**Диққат!** Порталдан йиллар давомида фойдаланилади. Шу даврда аризачининг яшаш манзилидаги кўча номи ўзгариб кетиши мумкин. Бу борада ечим берилиб, агарда кўча номи чиқмаса, “бошқа” бўлимини танланади ва кўча номи қўлда киритиш имконияти берилади.

фаолият тури: \*  
 жисмоний шахс сифатида

фаолият йўналиши: \*  
 Касаначилик

кичик йўналиш: \*  
 Тилувчилик

мақсади: \*  
 Дераза ва эшик пардаларини...

дастур: \*  
 «Хар бир оила – тадбиркор» дастури ас...

максимал кредит суммаси, сўм: \*  
 33 000 000

кредит миқдори: \*  
 30 000 000

нақд (5000000 , сўм):

пластик (10000000 , сўм):

қайтариш муддати, йил: \*  
 3-йиллик

имтиёз даври, ой: \*  
 6

Барча маълумотлар киритилиб тўғрилиги текширилгач, “давом этиш” тугмаси босилиб жараён давом эттирилади.

Аризачи      Манзил      Харажатлар      Даромадлар      Натижа

фаолият тури: \*  
 жисмоний шахс сифатида

фаолият йўналиши: \*  
 Касаначилик

кичик йўналиш: \*  
 Тилувчилик

мақсади: \*  
 Дераза ва эшик пардаларини тили...

дастур: \*  
 «Хар бир оила – тадбиркор» дастури асосида

максимал кредит суммаси, сўм: \*  
 33 000 000

кредит миқдори: \*  
 30 000 000

нақд (5000000 , сўм):

пластик (10000000 , сўм):

қайтариш муддати, йил: \*  
 3-йиллик

имтиёз даври, ой: \*  
 6

#### 4. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишга доир маълумотларни киритиш

Аризачи      Манзил      Харажатлар      Даромадлар      Натижа

вилоят: \*  
 Тошкент в.

туман: \*  
 Бекобод т.

маҳалла: \*  
 Ачамайли

кўчал/кўп қаватли уй: \*  
 бошда

кўча номи: \*  
 Дўстлик

уй: \*  
 15

телефон рақам: \*  
 +998 (94) 164-90-80

тўлиқ манзили:  
 Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Ачамайли маҳалласи, Дўстлик, 15

#### 5. Аризада лойиҳани амалга оширишнинг харажатлар ойнаси

Аризачи      Манзил      Харажатлар      Даромадлар      Натижа

вилоят: \*  
 Тошкент в.

туман: \*  
 Бекобод т.

маҳалла: \*  
 Ачамайли

кўчал/кўп қаватли уй: \*  
 Қурилиш

уй: \*  
 18

телефон рақам: \*  
 +998 (94) 164-90-80

тўлиқ манзили:  
 Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Ачамайли маҳалласи, Қурилиш, 18



## Пластик карта ёки нақд пул қисми танланганида лойиҳани амалга оширишнинг харажатлар ойнаси

Маълумотлар тўла киритилгач, “давом эттириш” тугмаси босилиб “даромадлар” қисмига ўтилади.

Лойиҳани амалга оширишда кўзланган харажатлар

№	Харажат тури	ўлнов бирлиги	миқдори	баҳоси, сўм	суммаси, сўм	шундан		ўчириш
						кредит (пул ўтказиш)	кредит (нақд)	
1	Титув машинаси	дона	5	5000000	25 000 000	25000000		
2	Б.х. Мато	метр	100	50000	5 000 000		5000000	
3	Танлаш...	Танлаш...						
	жами		105		30 000 000	25 000 000	5 000 000	

← Орқага | Жисмоний шахс йўриқномаси | Юридик шахс йўриқномаси | → Давом эттириш

## 6. Лойиҳани амалга оширишнинг даромадлар қисми

Ҳамма маълумотлар киритилганидан кейин, лойиҳанинг иқтисодий самардорлик кўрсаткичлари автоматик тарзида шаклланади ва “аризани тайёрлаш” тугмасини босиш орқали ариза матни тайёрланади.

Молиявий кўрсаткичлар

тури	1-12 ойларда, сўм	13-24 ойларда, сўм	25-36 ойларда, сўм	жами
кутўладиган даромад	50 000 000	60 000 000	80 000 000	190 000 000
кредитни қийтарошга	9 680 163	14 586 356	12 906 356	37 172 876
бошқа харажат				0
соф фойда	40 319 836	45 413 643	67 093 643	152 827 123
рентабеллик, %	80.64	75.69	83.87	80.44

лоийҳани амалга ошириш бўйича қўшимча маълумотлар:

қўшимча файллар:

← Орқага | Жисмоний шахс йўриқномаси | Юридик шахс йўриқномаси | Аризани тайёрлаш

## 7. Аризани тайёрлаш

Ариза тайёрланганда матнда маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг исми-фамилияси, телефон рақами ва аризани кўриб чиқиш муддати ҳақида маълумотларни кўриш мумкин.




Ариза тайёрланганда, аввало аризачининг телефон рақамига уланган телеграм ботига RS Informer орқали: **“Аризангиз қабул қилиниши учун қуйидаги ҳавола орқали электрон ҳужжатни тасдиқланг”** матнидаги хабарнома келади. Телеграммга келган код рақамлари “Телеграм коди” деб ёзилган ойнага ёзилади ва тасдиқлаш тугмаси босилади.



Аризачи келган код билан аризани тасдиқлаганидан кейин “Аризангиз қабул қилинди” матнли хабар келади. Ариза санаси ва рақами ҳақида маълумотлар келади.


## 8. Аризани бекор қилиш

Аризачи бирор сабаб туфайли аризасини рад қилиш истагида бўлса, ариза матнини очиб “бекор қилиш” тугмасини босади.



The screenshot shows a user interface for managing an application. On the left, there is a card with a green 'Имзоланган' (Submitted) status and a red 'Бекор қилиш' (Cancel) button. On the right, there is a form with a date 'Сана: 30.01.2024 22:24:52', a phone number '+998 9...', and a Telegram code. The 'Бекор қилиш' button is highlighted with a red arrow.

Аризани бекор қилиш коди келади



The screenshot shows a confirmation page for canceling the application. The text reads: 'Elektron hujjatni bekor qilish uchun tasdiqlash kodi: 85...'. Below this is a URL: 'https://hujjat.uz/'. The page features the Hujjat.Uz logo and the text: 'ARIZA Elektron hujjat aйланиши соҳасидаги давлат сиёсати электрон хужжат айланиши кенг қўлланилишини таъминлашга, электрон хужжат айланиши иштирокчиларин...'. The Hujjat.Uz logo is a blue stylized knot. The text 'HUUJAT.UZ' is in blue, and 'Хужжатларингизни оқилона бошқаришни бошланг' is in black.

Келган код киритилади ва ариза бекор қилинади.

**Марказий банк ҳудудий бош бошқармалари  
телефон рақамлари**

<b>Т/р</b>	<b>Ҳудуд</b>	<b>Телефон рақами</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	(61) 224 22 26
2	Андижан вилояти	(74) 228 46 00
3	Бухоро вилояти	(65) 223 26 07
4	Жиззах вилояти	(72) 226 44 17
5	Қашқадарё вилояти	(75) 221 16 55
6	Навоий вилояти	(79) 221 70 36 (79) 221 70 37
7	Наманган вилояти	(69) 227 05-12
8	Самарқанд вилояти	(66) 233 37-02 (66) 231 12-63
9	Сирдарё вилояти	(67) 235 10-11
10	Сурхондарё вилояти	(76) 224 23-37
11	Тошкент вилояти	(71) 244 55-52
12	Фарғона вилояти	(73) 244 35-63
13	Хоразм вилояти	(62) 224 58-08
14	Тошкент шаҳар	(71) 212 61-51 (71) 212 62-57

## Қайдлар учун

## Қайдлар учун

## Қайдлар учун

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН МАБЛАҒ ЖАЛБ ЭТИШ ТАРТИБИ

## УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар: *А. Мусаев*  
*Ш. Абдуллаев*  
*М. Ахмедов*

Муҳаррир: *Д. Маткаримова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Х. Холиёров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: [www.adolatmarkazi.uz](http://www.adolatmarkazi.uz)

е-маил: [info@adolatmarkazi.uz](mailto:info@adolatmarkazi.uz)

Босишга рухсат этилди *\*\*.\*.\*.2024* й.

Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Segoe UI» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи *\*\**.

Нашриёт ҳисоб табоғи *\*\**. Адади *\*\*\** нусха.

-буюртма.